



## Ислом Нури

Хузайфа розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Чақимчи жаннатга кирмайди», деганларини әшитганман (Имом Муслим ривояти).

«Саҳиҳайн»да Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:  
««Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Макка ёки Мадина  
(қўрғонлари) деворларидан бир девор ёнидан ўтаётиб қабрларида  
азобланаетган икки кишининг овозини эшитдилар. Шунда Набий  
соллаллоху алайҳи ва саллам: «Бу иккиси азобланаяпти ва (лекин бу)  
гуноҳ (кўринишидан) катта эмас» дедилар. Кейин: «Бироқ, (у катта  
гуноҳдир) улардан бири бавлидан (сийдигидан) сакланмас эди,  
иккинчиси чакимчилик қилиб юрарди» дедилар (Муттрафақун алайҳ).



## Ислом Нури

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизларга бўхтон нималигини айтиб берайми? У чақимчилик қилиб, одамлар орасида гап ташишdir» (Ином Муслим ривояти).

**Шарҳ:**

Чақимчилик – яъни одамлар орасида бузғунчилик мақсадида бўлсин, роҳатланиб вақт ўтказиш учун бўлсин, гап ташиб юриш гуноҳи кабиралардан бўлиб, у сабабли кишилар ўртасида адоват ва юзқўрмасликлар вужудга келади. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан огоҳлантирганлар ва бундай жирканч иш билан шуғулланишнинг азоби қаттиқ эканидан хабар берганлар.

**Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Чақимчилик ҳаром ва гуноҳи кабиралардан;
2. Бундай гуноҳни қилувчи кимсанинг жазоси оғир бўлади.